



2020 у. «5» август

№ Қ-358

«__» _____ 20__ г.

**Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви
“Исмоилтепа” маҳалласи худудидан
“SURXON SARA-LIMONLARI” МЧЖга
енгил конструкцияли лимончилик
йўналишида “Иссиқхона” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/398-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 24 июндаги 01-05/99-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/398-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи худудидан “SURXON SARA-LIMONLARI” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 645қ-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига енгил конструкцияли лимончилик йўналишида “Иссиқхона” қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SURXON SARA-LIMONLARI” МЧЖ бошлиғи Б.Тўраевга:
ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев